

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

973 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини 22-банди «б» кичик бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «100» рақами «500» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 сентябрь,
343-В-1-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 сентябрь,
29-сон